

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ 14.07.2016.Қх.22.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**АЙТЖАНОВ БАХЫТЖАН УЗАҚБАЕВИЧ**

**ҚУРҒОҚЧИЛИККА БАРДОШЛИ БЎЛГАН ҒЎЗА ВА  
КУНГАБОҚАРНИНГ МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДАГИ  
СЕЛЕКЦИЯСИ**

**06.01.05 - Селекция ва уруғчилик  
(қишлоқ хўжалиги фанлари)**

**ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2016**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Айтжанов Бахытжан Узақбаевич**

Қурғоқчиликка бардошли бўлган ғўза ва кунгабоқарнинг мураккаб дурагайлаш асосидаги селекцияси.....3

**Айтжанов Бахытжан Узақбаевич**

Селекция засухоустойчивых сортов хлопчатника и подсолнечника на базе различных видов гибридизации.....27

**Aytjanov Bakhitjan Uzaqbaevich**

Cotton and sunflower breeding for drought resistant on the base of composite crossing.....45

Эълон қилинишган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published

works.....62

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ 14.07.2016.Қх.22.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**АЙТЖАНОВ БАХЫТЖАН УЗАҚБАЕВИЧ**

**ҚУРҒОҚЧИЛИККА БАРДОШЛИ БЎЛГАН ҒЎЗА ВА  
КУНГАБОҚАРНИНГ МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДАГИ  
СЕЛЕКЦИЯСИ**

**06.01.05 - Селекция ва уруғчилик  
(қишлоқ хўжалиги фанлари)**

**ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2016**

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 30.06.2015/В2015.2.Qx195 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти (ҚҚДИТИ)да бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Ибрагимов Паридун Шукурович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Нариманов Абдужалил Абдусаматович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Эргашев Ибрагим Ташкентович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Ахмедов Джамалхан Ходжаханович**  
биология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги 14.07.2016.Қх.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2016 йил «10» декабр соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2, тел.:(99871) 260-48-00; факс: 260-38-60; e-mail: [tgau-info@edu.uz](mailto:tgau-info@edu.uz)).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат аграр университетини Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№531792 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2, Тошкент давлат аграр университети, тел.:(99871) 260-48-00; факс: 260-48-00; [tuag.info@edu.uz](mailto:tuag.info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2016 йил «24»\_декабр куни тарқатилди.  
(2016 йил «22» ноябрдаги 3 рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Сулаймонов**  
Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

**Я.Х.Юлдашов**  
Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., доцент

**М.М.Адилов**  
Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.

## **КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда рўй бераётган сув танқислигига барҳам беришда қурғоқчиликка чидамли қишлоқ хўжалиги экинлари хусусан, ғўза ва кунгабоқар навларини яратиш ўсимликлар генетикаси ва селекциясининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги экинлари селекциясида дурагайлаш ирсиятни ўзгартириб, янги муҳитга мослашадиган барқарор генотиплар пайдо бўлиши имкониятини яратади. Дурагайлаш ва танлаш янги навларни яратишнинг асосий омили бўлиб, кўп жиҳатдан танланган чатиштириш услублари ва бошланғич ашёларнинг генотипига боғлиқ бўлади.

Республиканинг турли тупроқ-иқлим, гидро-мелиоратив минтақалари учун ғўзанинг турли ноқулай шароитларига, қурғоқчиликка чидамли, қимматли хўжалик белгиларини намоён этадиган, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари юқори, серҳосил ҳамда кунгабоқарнинг тезпишар, мойдорлиги юқори ва маҳсулдор навларини яратиш ҳамда уруғчилигини яхшилаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ғўза ва кунгабоқар селекциясида селекцион усулларни қўллаган ҳолда ирсий белгилари турғун ва сифат кўрсаткичи саноат талабларига мос бўлган навларни яратишга бўлган талаб ошиб бормоқда.

Дунёда деҳқончилик амалиётида қурғоқчиликка чидамли ғўза ва кунгабоқар навларининг морфофизиологик ва қимматли хўжалик белгилари, генотипик таъсирчанлиги, дурагайларни сувга талабчанлиги бўйича муҳим физиологик кўрсаткичлари, белгиларнинг ирсийланиши ҳамда генератив маҳсулдорлик кўрсаткичларини аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда. Навларнинг қурғоқчиликка чидамлилиги тупроқда нам етишмаслигига бардош бериб, маҳсулдорлигини ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларини кескин пасайтирмаслик хусусиятини намоён этиши бўлиб, янгидан яратилаётган ўрта толали ғўза навларининг асосий қисми тур ичида дурагайлаш асосида яратилган бўлиб, генетик жиҳатдан яқин бўлганлиги учун муҳитнинг биотик ва абиотик омиллари чидамлилиги ҳамда экилиш муддати қисқа бўлмоқда. Шунинг учун кунгабоқар ва ғўзанинг янги навларининг турли сув режимига, сув танқислиги шароитида хусусий генотипик таъсирчанлигини аниқлаш ва янги яратилаётган навларнинг чидамлилигини ошириш бўйича илмий-тадқиқотлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ва «Уруғчилик тўғрисидаги»ги Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23 февралдаги ПҚ-1288-сон «2010 йилда ғўзани навлар бўйича жойлаштириш ва пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 сентябрдаги 328-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг уруғчилик соҳасидаги сиёсати тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари ривожланиши-нинг асосий устувор йўналишларига боғликлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Турли дурагайлаш услублари асосида сув танқислигига чидамли селекцион ашёлар яратиш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, <sup>1</sup>Texas A&M University, Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалик департаменти (АҚШ), Xingjian Academy of Agricultural Sciences, China Agricultural University (Хитой), Australian Cotton Research Institute (Австралия), University of Agricultural Sciences (Ҳиндистон), Central Cotton Research Institute (Покистон) ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ва бошқаларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Қурғоқчиликка бардошли бўлган ғўза ва кунгабоқарнинг мураккаб дурагайлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: маҳсулдорликнинг морфофизиологик кўрсаткичлари асосида аналитик таҳлили белгиларнинг кенг ўзгарувчанлиги ва гетерогенлигига эришишда ҳар хил услубларнинг самараси аниқланган (Texas A&M University, Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалик департаменти); асосий қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиш қонуниятлари, ўзгарувчанлиги, шаклланиш жараёнлари ва корреляцияси аниқланган (Xingjian Academy of Agricultural Sciences, China Agricultural University); амалий селекция жараёнида фойдаланиш учун зарур бўлган генетик жиҳатдан бойитилган қимматли бошланғич ашёлар яратилган (Australian Cotton Research Institute); селекция жараёнида айрим дурагайлаш услубларининг генетик жиҳатдан бойитилган селекцион ашёлардан фойдаланиш учун маълум қийматга эга бўлган турли хил генотиплари яратилган (University of Agricultural Sciences, Central Cotton Research Institute).

Дунёда қурғоқчиликка бардошли бўлган ғўза ва кунгабоқар навларини яратиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: сув танқислиги шароитларида ғўза ва кунгабоқарнинг оддий ҳамда мураккаб дурагайларида морфофизиологик ва қимматли хўжалик белгиларни аниқлаш; оддий ва мураккаб дурагайларнинг авлодларида айрим қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланишини ва ўзгарувчанлигини гибридологик таҳлил қилиш; оддий ва мураккаб

---

<sup>1</sup> [www.tamu.edu](http://www.tamu.edu); [www.usda.gov](http://www.usda.gov); [www.atuireindex.com](http://www.atuireindex.com); [www.english.cau.edu.cn](http://www.english.cau.edu.cn)  
[www.dpi.isw.gov.au](http://www.dpi.isw.gov.au); [www.uasbangaioire.edu.in](http://www.uasbangaioire.edu.in); [www.ilmkidunya.com](http://www.ilmkidunya.com); [www.piiim.uz](http://www.piiim.uz)

дурагайларнинг, биринчи бўғинида мослашувчанлик гетерозисига эга комбинацияларни аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғўзанинг ва кунгабоқарни қурғоқчиликка мослашувининг физиологик асослари, серҳосил, юқори мойдор, турли биотик ва абиотик омилларга бардошли янги навларини яратиш, қурғоқчиликка мослашуви ва чидамлилигини баъзи ирсий қонуниятларини аниқлаш бўйича қатор олимлар ғўзада Ш.Э.Намозов, А.Б.Амантурдиев, С.А.Рахмонкулов ва бошқалар, кунгабоқарда эса В.С.Пустовойт, Л.А.Жданов, А.С.Пустовойт ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Қишлоқ хўжалик экинларининг генетикаси ва селекцияси борасида хорижий олимлар (D.M.Aglas, L.H.Rieseberg ва бошқ.) қурғоқчиликка чидамлилиги, чидамлилик хусусиятини маҳсулдорлик билан ижобий боғланган навларни яратиш бўйича (В.В.Вентура, Н.Г.Симонгулян, Г.Н.Бей-Амаду, Сил Р.О., Robson D, Б.Х.Нуров, Н.А.Саакова, D.F.Jones ва бошқалар) томонидан ғўза ва кунгабоқар дурагайларида сув балансининг муҳим физиологик кўрсаткичларини ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Лекин, турли сув режимлари, яъни сув билан муқобил таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида бир вақтнинг ўзида кунгабоқар ва ғўзанинг оддий ва мураккаб дурагайларида морфофизиологик ва қимматли хўжалик белгиларнинг ўзгарувчанлиги, ирсийланиши ва қурғоқчиликка чидамли генотиплар шаклланишидаги имкониятларини ўрганиш бўйича ҳамда қиёсий оддий ва мураккаб дурагайлашга жалб этиш орқали морфофизиологик ва қимматли хўжалик белгиларнинг ўзгарувчанлигини ошириш бўйича етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасанинг ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 17.13 «Орол бўйи экстремал шароитига тезпишар, тола сифати V-типга мансуб қимматли хўжалик белгиларига эга ғўзанинг янги навларини яратиш ва уларнинг бирламчи уруғчилигини жорий этиш. (2003-2005 йй.), А-11-011 «Орол бўйи экстремал шароитларига мослашган тезпишар, серҳосил, сув танқислиги ва вилтга бардошли ғўза навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш». (2006-2008 йй.), КХА-9-003 «Орол бўйи экстремал шароитига мослашган ғўзанинг тезпишар, юқори ҳосил берадиган сув танқислигига ва вилт касаллигига чидамли селекцион янги навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш» (2009-2011 йй.), КХА-9-005. «Ғўзанинг жаҳон генофонди коллекциясини ўрганиш ва тезпишар, тола сифати яхши, вилтга ҳамда шўрга чидамли Қорақалпоғистон шароитига мослашган янги донор ва навларни яратиш» (2009-2011 йй.) ва КХА 10-001 «Қорақалпоғистон шароитида кунгабоқарнинг коллекцион нав намуналарини ўрганиш ва бирламчи

уруғчилигини яхшилаш» (2009-2011 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мураккаб дурагайлаш услублари орқали ғўзада тезпишар, сув танқислигига бардошли, тола сифати IV ва V типга хос бўлган ҳамда кунгабоқарда серҳосил ва юқори мойдорлик белгиларини ўзида мужассамлаштирган янги навларни яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сув танқислиги шароитида бир гуруҳ ўрта толали ғўза ва кунгабоқар навлари ҳамда уларнинг оддий ва мураккаб дурагайларида морфофизиологик ва қимматли хўжалик белгиларини аниқлаш;

сув танқислиги шароитида оддий ва мураккаб дурагайларнинг авлодларида морфофизиологик ва қимматли хўжалик белгиларнинг ўзгарувчанлиги, ирсийланиши ва айрим қимматли хўжалик белгилар бўйича гибридологик таҳлил қилиш;

сув танқислиги шароитида оддий ва мураккаб дурагайларнинг биринчи бўғинида мослашувчанлик гетерозисига эга комбинацияларни аниқлаш;

турли сув режими шароитларида морфофизиологик белгиларнинг ўзаро ва ўсимлик маҳсулдорлиги билан коррелятив боғлиқлигини аниқлаш;

изланишлар асосида яратилган селекцион ашёларни кичик ва катта нав синовида ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кунгабоқарда *Helianthus annuus L.* турига мансуб, ғўзада *G. hirsutum L.* турига мансуб янги навлар ва дурагай комбинациялар, оддий ва мураккаб дурагайлар асосида яратилган янги тизмалар ҳамда навлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** кунгабоқар ва ғўзани амалий селекцияси учун қимматли хўжалик белгиларининг юқори мажмуасига эга бўлган генетик бойитилган қимматли бошланғич ашёлар, оилалар, тизмалар ва навларни яратишда оддий ва мураккаб тур ичида дурагайлашнинг хўжалик учун қимматли белгиларининг ирсийланиши, сув танқислигига бардошли бўлган физиологик параметрлар, уларнинг ирсийланиши, тезпишарлиги, тола сифати билан жипсланиши ҳамда селекцион генетик ва физиологик хусусиятларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида тур ичида жуфт навларни ва мураккаб биринчи авлод дурагайларини чатиштириш, дала тажрибаларини олиб бориш, физиологик, генетик ва статистик методлардан фойдаланилди. Якка танлов ва авлодларини текшириш, юқори авлод дурагайларининг вариацион ва корреляцион таҳлили, намунавий теримлар, хўжалик учун қимматли белгиларнинг дала ва лаборатория таҳлилларидан фойдаланилди, тола сифати «NVI» асбоби ёрдамида аниқланди. Кузда ҳисобдаги ўсимликлардан кейинги кўпайтириш ва бир ўсимликнинг маҳсулдорлигини, бир дона кўсак вазни, тола чиқими ва узунлигини аниқлаш учун намунавий ва якка теримлар терилди. Барча олинган маълумотлар асосида генетик, селекцион таҳлиллар амалга оширилди ва Б.Доспехов усулларида фойдаланилди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистон тупроқ-иқлим шароитида моделлаштирилган қурғоқчилик шароитларида ғўзанинг *G.hirsutum L.*, ва кунгабоқарнинг *Helianthus annuus L.*, турларига мансуб янги навлари ҳамда уларнинг оддий ва мураккаб дурагайларида физиологик ҳамда қимматли хўжалик белгилар бўйича генотипик полиморфизм аниқланган;

сув танқислиги шароитида физиологик ва хўжалик белгиларнинг стрессга физиологик мослашувчанлигининг ўзгариши, ушбу ўзгарувчанлик белгиларнинг полиген хусусияти ва генотип-муҳитига ўзаро таъсири асосида эканлиги исботланган;

оддий ва мураккаб дурагайлаш услублари орқали яратилган дурагайларда қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланишига қиёсий баҳо бериш асосида асосий қимматли хўжалик белгиларнинг генетик табиати, ҳамда белгиларнинг янги генетик ўзгарувчанлигига эга юқори авлод дурагайларини ажратиб олишдаги самарадорлиги аниқланган;

тур ичида оддий ва мураккаб дурагайлаш услублари орқали қурғоқчиликка бардошли баъзи салбий коррелятив боғлиқларни узиш, ғўзада юқори тезпишарлик ва маҳсулдорлик, тола чиқими ва сифати ва бошқа белгиларнинг, кунгабоқарда эса тезпишарлик, ҳосилдорлик, юқори мойдорлик, мағиз чиқими ва бошқа белгиларнинг юқори мажмуасига эга рекомбинантлар ажратиб олиш мумкинлиги аниқланган;

изланишлар асосида ажратиб олинган асосий хўжалик белгилари мужассамлашган оила ва тизмалардан амалий селекцияда қурғоқчиликка бардошли кунгабоқарда юқори мойдор ва маҳсулдор, тола сифати юқори бўлган серҳосил, қимматли манба сифатида фойдаланиб янги ғўза навлари яратилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

хўжалик қимматли белгиларнинг юқори мажмуасига эга бўлган кунгабоқарнинг Қорақалпоғистонда яратилган янги КК-60 нави 2014 йили истиқболли нав сифатида Давлат реестрига киритилган;

ғўза ва кунгабоқар дурагайларидан генетик бойитилган рекомбинантлар, оилалар ва янги тизмалар ажратиб олинди ҳамда оддий ва мураккаб дурагайларнинг биологик ва юқори бўғинларида айрим қимматли хўжалик белгиларнинг ўзгарувчанлик кўлами гибридологик таҳлил этилиб, сув танқислиги шароитида юқори ҳосилли, янги ирсий асосга эга генотиплар ва уларнинг юқори авлодларидан, қурғоқчиликка чидамли янги навлари конкурс нав синаш кучатзорларида ажратиб олинган бўлиб, ғўзанинг янги КК-3546 нави 2015 йилда ҳамда кунгабоқарнинг КК-52 нави 2016 йили Давлат нав синаш грунтоназоратида топширилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилигини маълумотлар вариацион-статистика услубларида қайта ишланган; турли хил генетик-селекцион услублардан фойдаланиш ва бошланғич маълумотларга ишлов бериш, шунингдек олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келади; тадқиқотлар

натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланган, шунингдек, олинган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланган; натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳоланган ва изланишлар натижаларининг ишлаб чиқаришга ва генетика ва селекция соҳасидаги илмий изланишларда жорий этилган, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилган, шунингдек, тажрибалар натижалари монография ва Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда чоп этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, яратилган оддий ва мураккаб дурагайлари ўрганиш асосида фойдаланилган ғўзанинг ва кунгабоқарнинг тур ичи дурагайлаш услубларининг генотипларни бойитиш, қурғоқчиликка бардошли ўзгарувчанликни ошириш ва айрим қимматли хўжалик белгиларни яхшилашда самарали эканлиги, дурагайлашга жалб этиш орқали яратилган сув танқислиги шароитида юқори ҳосилли, янги ирсий асосга эга генотиплар, дурагайларда хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлик даражаси ва корреляцион боғлиқлари билан изоҳланади.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти, кунгабоқар ва ғўзанинг узок тур ичида оддий ва мураккаб дурагайлаш асосида яратилган ноёб тизмалар ва генетик жиҳатдан бойитилган рекомбинантлар, шакллар, оилалар асосида ғўзанинг янги КК-3506 ва КК-3543 навлари ва кунгабоқарнинг янги КК-60 нави яратилган ҳамда ғўзанинг КК-3546 нави 2015 йилда, кунгабоқарнинг КК-52 нави 2016 йили Давлат нав синаш грунтназоратида тақдим этилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қурғоқчиликка бардошли ғўза ва кунгабоқар навларини яратиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар асосида:

мураккаб ва оддий тур ичида дурагайлаш услубларини қўллаш орқали яратилган ғўзанинг «КК-3543» навига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк агентлигининг патенти олинган. (UZ NAP 00131.30.06.2016);

мураккаб ва оддий тур ичида дурагайлаш услубларини қўллаш орқали яратилган ғўзани «КК-3506» ғўза навига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк агентлигининг патенти олинган. (UZ NAP 00138.31.08.2016);

кунгабоқарнинг «КК-60» нави оддий навлараро дурагайлаш ва танлаш орқали яратилган ва экиш учун қишлоқ хўжалик экинларининг Давлат реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалик экинларини нав синаш Давлат комиссиясининг 03.06.2016 й., 53/4-208-сон маълумотномаси). Бунда, кунгабоқарнинг «КК-60» навининг дон ҳосилдорлиги андоза навга нисбатан гектарига 2,6 центнерга, 1000 дона вазни 1,0 граммга юқори бўлгани аниқланган.

Одий ва мураккаб иккита узок тур ичи навлар ва дурагайлар аро чатиштириш ва танлаш оркали яратилган «КК-3543» ва «КК-3506» ғўза навлари Чимбой тумани Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигида 5 га майдонда бирламчи уруғчилик ишлари амалга оширилмоқда.

Кўпайтирилаётган навлардан андоза С-4727 навига нисбатан гектарида 3,6-4,0 қўшимча пахта ҳосили олинган, тола чиқими 0,8 фоизга юқори бўлган ва кўсақларни очилиши тезлашишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ЎзҚХИИЧМ томонидан ташкил этилган комиссияси томонидан апробациялардан ҳар йили ўтказилган. Диссертация ишининг асосий натижалари ҚҚДИТИ нинг илмий кенгашида, Республика ва Халқаро миқёсда ўтказилган «Арал бойы аймағинда аўыл хожалығы егинлериниң жаңа сортларын шығарыў мәселелери» (Шымбай, 2014); Влияние условий выращивания на формирования хозяйственно-ценных признаков у гибридов хлопчатника. «Перспективные направления исследований в изменяющихся климатических условиях (посвящается 140-летию А.Г.Дояренко) Международной научно-практической конференция (Саратов 18-19 март 2014); Повышение засухоустойчивости подсолнечника методом сложной гибридизации. «Экологичный, экономичный розвитку аграрной сферы в умовах глобализаций» Международной научно-практической конференция (Харкив: 2015); Наследование общего объёма воды в условиях водного дефицита. Международная научно-практическая интернет-конференция «Современное экологическое состояние природной среды и научно-практическое аспекты рационального природопользования» 29 февраля 2016 года, посвященная 25-летию ФГБНУ («Прикаспийский научно-исследовательский институт аридного земледелия». Соленое Займище, 2016); «Developing environment-friendly varieties of sunflower and cotton. «Proceedings of the Uzbek-Japan Symposium on Ecotechnologies» Innovation for Sustainability-Harmonizing Science. Technology and Economic Development with Human and Natural Environment (Tashkent 2016). мавзусидаги илмий амалий анжуманларда муҳоқама қилинган ва ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуи бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган ва 2 та патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қурғоқчиликка бардошли ғўза ва кунгабоқар навларини яратиш бўйича тадқиқотлар адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобда мавзу бўйича хориж ва маҳаллий адабётлар таҳлил қилинган. Биринчи бўлимда сув танқислигига мослашувчанликнинг физиологик жиҳатлари ва «генотип-муҳит» ўзаро муносабатлари натижасида дурагайларнинг аҳамияти ва бир генотипда ижобий белгиларни мужассамлаштиришнинг самарадорлиги баён қилинган. Таҳлил қилинган адабиётлардан ғўза ва кунгабоқарда сув танқислигига бардошлилик ва унинг табиати бир қатор олимлар томонидан ўрганилганлиги маълум бўлган. Бироқ бу тадқиқотлар бардошлилик омилларини аниқлаш ва уларнинг бардошлиликка таъсир механизмини ўрганиш билан чегараланган. Бундай омилларни ўрганиш селекция жараёнида оддий ва мураккаб дурагайлаш ёрдамида янги дурагай, тизма ва навларга ўтказиш генетик ва селекционер олимлар олдида турган муҳим йўналишлардан бири эканлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Тажриба ўтказилган жой шароити, тадқиқот манбай ва услуги**» деб номланган иккинчи бобда тажрибалар олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тажриба сув режими турлича бўлган, физиологик таҳлиллар тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан муқобил ва моделлаштирилган сув режимлари ва агротехник тадбирлар миқдорлари баён қилинган. Тажрибалар 2000-2015 йиллар давомида Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институтида олиб борилган. Тадқиқот манбай сифатида ғўзада *G.hirsutum L.* ва кунгабоқарда эса *Helianthus annuus L.* турларига мансуб бир гуруҳ ғўза ва кунгабоқар навлари ҳамда уларнинг оддий (навлараро) ва мураккаб  $F_1 \times F_1$  дурагайлари  $F_1$ ,  $F_2$  ва  $F_3$  дурагай комбинациялар, дастлабки нав синаш ва конкурс кўчатзорлари ўсимликларидан иборатдир, бошланғич ашё ва дурагайларда умумий қабул қилинган усуллар ёрдамида фенологик ва лаборатория таҳлиллари олиб борилган. Ғўза ва кунгабоқар навлари, тизмалари ёки дурагайларининг сув танқислиги, яъни моделлаштирилган қурғоқчиликка бирор белги бўйича таъсирчанлик даражалари мослашувчанлик коэффициенти (Кмос.) S. A. Ebarhart, W.A/Russel формуласи бўйича аниқлаш орқали баҳоланган. Тажрибалар асосида олинган натижалар Б.А. Доспехов услугида статистик ишловдан ўтказилган. Бунда ҳар бир белги бўйича олинган кўрсаткичлар дисперсион таҳлил қилинган, яъни навлар ва дурагайлар ўртасидаги фарқлар ишончилиги Фишер критерияси (F), тажрибанинг умумий хатоси

Sx, ўртача фарқлар хатоси Sd ва энг кичик фарқланиш (ЭКФ) 95% лик ишончлилик даражаси бўйича аниқланган.

Диссертациянинг «**Кунгабоқар ўсимлиги бўйича селекция жараёнидаги тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили**» деб номланган учинчи бобида турли суғориш схемасида кунгабоқарда *Helianthus annuus L.* турларига мансуб янги дурагай комбинациялар ва навларда, уларнинг оддий ва мураккаб дурагайларининг биологик кўчатзоридаги морфо-физиологик белгиларнинг ўзгарувчанлиги ва ирсийланиши таҳлил қилинган. Бунда сув режимига нисбатан тупроқда сув танқислиги шароитида ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдори навларда 1,6-6,3%, F<sub>1</sub> оддий дурагайларида 1,4-4,8% ва F<sub>1</sub> мураккаб дурагайларида 1,4-3,7 % гача камайди. Иккинчи авлод билан ўрганилган навларда 0,9-5,3 %, оддий F<sub>2</sub> дурагайларида 1,8-4,2 % ва мураккаб F<sub>2</sub> дурагайларида 0,8-2,0 % гача камайди. Учинчи авлод билан ўрганилган навларда 0,9-4,5 %, оддий F<sub>3</sub> дурагайларида 1,2-2,5 % ва мураккаб F<sub>3</sub> дурагайларида 1,4-1,8 % гача камайди. Бу ҳолат ўсимликлар баргларидаги умумий сув миқдори сув билан таъминланганлик шароитлари билан бир қаторда генотипик таркибга ҳам боғлиқ бўлишини кўрсатади. Олинган натижалар турли сув режими шароитларида ушбу белгининг оддий ва мураккаб F<sub>1</sub>, F<sub>2</sub> ва F<sub>3</sub> дурагайларида турлича ирсийланишини, бунда F<sub>1</sub> дурагай комбинацияларнинг доминантлик коэффицентлари ва h<sub>r</sub> да сув билан таъминланганлик шароитлари билан бир қаторда дурагайларининг ота-она шакллари таркибига боғлиқ равишда ўзгаришини намоён этган. Тажрибаларимизда баргларининг сув ушлаш хусусияти белгисининг мураккаб F<sub>1</sub> дурагайларида ирсийланиш уларнинг ота-она шакллари, яъни F<sub>1</sub> оддий дурагайларикидан фарқланиши, доминантлик коэффицентлари–h<sub>r</sub> кўрсаткичи сув билан таъминланганлик шароитлари билан бир қаторда чатиштириш компонентларига ҳам боғлиқ бўлиши аниқланди. Тадқиқотларимизда барча генотипларда тупроқ қурғоқчилигида баргларининг сув ушлаш хусусиятининг ошиши, сув танқислигида кунгабоқар ўсимлиги баргларидаги сувнинг қийин ажралувчи фракциялари миқдори юқори эканлигидан далолат беради. Фикримизча, баргларининг сув ушлаш хусусияти сув бўғланиши жадаллигининг тўқима ёки орган даражасидаги хужайралараро сув алмашинувининг кўрсаткичи сифатида қаралиши мумкин, у хужайрада сувни сақлашга боғлиқ бўлган барча омилларнинг умумий фаолияти натижасида намоён бўлади ҳамда унинг катталиги қурғоқчиликка чидамлилигини тавсифлаш учун қўлланиши мумкин. Тупроқ қурғоқчилиги шароитида кунгабоқарнинг ўрганилган генотипларида ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдори, баргларининг сув ушлаш хусусияти ва транспирация жадаллиги каби муҳим физиологик белгилар бўйича олган натижаларимиз асосида ўсимликларнинг гуллаш-хосил тўплаш даврида сув танқислигига учраши улардаги физиологик жараёнларнинг, жумладан сув алмашинуви жараёнларининг бузилишига олиб келади деган хулосага келиш мумкин.

Сув билан оптимал таъминланганлик вариантыга нисбатан курғоқчилик шароитида барча генотипларда баргларнинг умумий сатҳи турли даражада ошишини кўрсатди. Ушбу белги бўйича мослашувчанлик коэффиценти аниқланганда, унинг кўрсаткичи навларда -3,1 % дан -36,2 % гачани,  $F_1$  оддий дурагайларида -10,6 % дан -27,9 % гачани  $F_2$  да -8,1 % дан -20,2 % гача  $F_3$  оддий дурагайларида эса -8,6 % дан -32,3 % гача ҳамда  $F_1$  мураккаб дурагайларида -10,9 % дан 24,4 % гачани  $F_2$  да -13,0 % дан -26,0 % гача ва  $F_3$  да эса -6,0 % дан -16,4 % ларни ташкил этди.

Ўсимликларда баргларнинг умумий сатҳи белгиси бўйича олинган натижалар ўсимликларнинг сув танқислигига мослашуви фотосинтетик аппаратнинг турли элементлари, жумладан барг сони ва юзи ўзгариши ҳисобига ҳам рўй беришини кўрсатади. Сув билан оптимал таъминланганлик вариантыга нисбатан курғоқчилик шароитида барча генотипларда умумий илдиз вазни кўрсаткичлари турли даражада ошишини кўрсатди. Ушбу белги бўйича мослашувчанлик коэффиценти аниқланганда, унинг кўрсаткичи навларда -2,9 % дан -24,5 % гачани,  $F_1$  оддий дурагайларида -4,1 % дан -18,0 % гачани (ўртадаги фарқланиш -5,4-24,7 г.)  $F_2$  да -9,6 % дан -15,2 % гача (ўртадаги фарқланиш -13,5г.-17,1 г)  $F_3$  оддий дурагайларида эса -10,4 % дан -19,2 % гачани (ўртадаги фарқланиш -13,8 г., -29,7г) ҳамда  $F_1$  мураккаб дурагайларида -11,3 % дан -19,0 % гачани (ўртадаги фарқланиш -15,1 г.—29,4 г)  $F_2$  да -12,2 % дан -18,3 % гача (ўртадаги фарқланиш -17,5 г, -26,4 г.) ва  $F_3$  да эса -11,9 % дан -15,3 % ўртадаги фарқланиш -17,1 граммдан -21,5 граммгачани ташкил этди. Ушбу ўсимликларда умумий илдиз вазни белгиси бўйича олинган натижалар ўсимликларнинг сув танқислигига мослашуви фотосинтетик аппаратнинг турли элементлари, жумладан тезпишарлик, ўсимлик бўйи ҳамда барглар сони ўзгариши ҳисобига ҳам рўй беришини кўрсатади.

Оддий ва мураккаб  $F_2$  дурагайларда айрим қимматли хўжалик белгиларининг ажралиши бўйича тахлили асосида тезпишар ўсимликлар кунгабоқарда кам учраши ва фақатгина мураккаб дурагайлаш орқали бундай ҳолатга келган. Биринчи қатордаги дурагайда ўта тезпишар ўсимликлар 20 та бўлди 2 чи дурагайда эса 52 та учради, 3 чи мураккаб дурагай дурагайда бундай тезпишар ўсимликларни сони 53 тага етди. Шундай қилиб мураккаб дурагайлаш туфайли ўта тезпишар ўсимликларни ажратишга муяссар бўлдик. Оддий дурагайларда бундай ўсимликларнинг сони кескин камайган эди ва улар 8-15 та ўсимликлардан иборат эди. Оддий дурагайларда ажралиш жараёни кенг миқдорда кузатилган бўлсада, бироқ улар кечпишар томонда кузатилди. Вегетация даври уларда 89 кунгача кузатилди ва шу туфайли вариация фоизи ҳам бироз юқори бўлди. Лекин шуни таъкидлаш керакки, селекция учун тезпишарлик белгиси бўйича вариация қаторининг чап томони этиборга мувофиқдир. Вариацион қаторларида сербаргли ўсимликлар ўнг томонда йиғилган бўлиб уларнинг сони максимал ҳолда бўлди. Оддий дурагайларда аксарият ўсимликлар камбаргли бўлиб вариация қаторининг чап томонига йиғилди.


Оддий дурагайлардан энг кенг ажралиш жараёни  $F_2$  (Лучафэрул х КК-1) кузатилди. Бу дурагайнинг ота-оналари Қорақалпоғистон шароитида энг сермахсул навлардан ҳисобланади ва улар орқали олинган дурагай ҳам юқори маҳсулдорликка эга бўлди. Илдиз вазни белгиси бўйича ўсимликлар кунгабоқарда мураккаб дурагайлаш туфайли ўта юқори кўрсаткичлар орқали ажратишга муяссар бўлди. Оддий дурагайларда бундай ўсимликлар сони кескин камайган эди ва уларнинг илдиз вазни белгиси бўйича 113,6 граммдан 144,8 граммдан иборат бўлди. Оддий дурагайларда ажралиш жараёни кенг миқдорда кўзатилган, лекин улар чап томонга кузатилди. Лекин, шуни таъкидлаш керакки, селекция учун илдиз вазни белгиси бўйича вариация қаторнинг унги томони этиборга мувофиқдир.  $F_2$  кунгабоқар дурагайларнинг мойдорлик белгиси бўйича ўта паст кўрсаткич кам учрайди ва фақатгина мураккаб дурагайлашда бундай ҳолат учради. Оддий дурагайларда ажралиш жараёни кенг миқдорда кузатилган бўлсада, бироқ улар кам мойдорлик томонда кузатилди. Мураккаб дурагайларда 186 та ўсимликлар 51-54 фоиз мойдорликка эга бўлган бўлса, 7 та оддий дурагайларда атиги 68 та ўсимликлар сермой бўлиб чиқди. Шундай қилиб мураккаб дурагайлаш трансгрессив ўсимликларини пайдо бўлишига асос бўлади деб ҳисоблаймиз.

Маълумки селекция жараёнида ҳар бир ишнинг мақсади ўсимликларнинг маҳсулдорлиги ва сифатини оширишдир. Бизнинг тадқиқотларимизда кунгабоқарнинг маҳсулдорлиги саватчанинг диаметри ундаги уруғлар сони ва йириклигига боғлиқ бўлди.  $F_2$  оддий ва мураккаб дурагайларнинг маҳсулдорлиги келтирилган. 1-расмдан кўриниб турибдики мураккаб дурагайларда ўртача кўрсаткич 100 граммдан зиёд, яъни 104 дан 114 граммгача бўлди. Оддий дурагайларда энг юқори кўрсаткич 93,6 граммни ташкил этди. Ажралиш жараёни ҳам оддий ва мураккаб дурагайларда ўзаро кескин фарқ қилди. мураккаб дурагайларда айрим ўсимликлар 135 грамм маҳсулдорликни намоиш этди. Оддий дурагайларнинг ўсимликларининг энг юқори кўрсаткични 115-125 граммдан ошмади. Вариацион қатор мураккаб дурагайларда ўнги томонга силжиди, оддий дурагайларда эса чап томонга салбий сурилди. Шундай қилиб сермахсул ўсимликларни мураккаб дурагайлаш асосида кўп танлаб олишга мувофиқ бўлди ва улар юқори маҳсулдорлик оилалар олишга асос бўлди.

Энг сермахсул мураккаб дурагайлардан кўйидаги  $F_2$  [ $F_1$ (Jant lower х КК-1) х ( $F_1$  (Ак-12/95 х КК-1))] ва  $F_2$  [ $F_1$ (С-НС-Н-2011г. х КК-1) х ( $F_1$  (С-Альстор х КК-1))] комбинациялар ажралиб чиқди ва уларнинг орасида аксарият ўсимликлар 105 граммдан юқори маҳсулдорлик намоиш этишди.

Қорақалпоғистон шароитида ўрганилган  $F_3$  кунгабоқар дурагай оилаларнинг барглари сони, фотосинтез жараёнининг интенсивлиги ҳосилга ижобий таъсир этади. Шунингдек, барглари сони ўсимлик ривожланишида катта роль ўйнайди. Бизнинг изланишларимизда  $F_3$  кунгабоқар дурагай оилаларнинг барглари сони ҳисоблаб чиқилган, оддий ва мураккаб дурагай оилаларни таққослаиб таҳлил қилинганда турли вариацион

коэффициентлар кўрсаткичлари аниқланди. Ушбу ўранилган оддий дурагай оилалардан аксарияти камбаргли бўлиб вариацион қаторнинг чап томонига йиғилди. Оддий дурагай  $F_3$  оилаларидан энг кенг ажралиш жараёни  $F_3$  (С-НС-Н-2011г. х КК-1) ва  $F_3$  (Тельс х КК-1) кузатилди.



**1-расм.  $F_2$  кунгабоқар дурагайларнинг маҳсулдорлиги (г.)**

Бу дурагайларни ота-оналари Қорақалпоғистон шароитида сермахсул навлардан ҳисобланади ва юқори маҳсулдорликка эга бўлган. Оилаларда илдиз вазни белгиси бўйича кунгабоқарда мураккаб дурагайлаш туфайли ўта юқори кўрсаткичлар орқали ажратишга эга бўлди. Оддий дурагайларда эса бундай  $F_3$  оилалар сони кескин камайган эди ва уларнинг илдиз вазни белгиси бўйича 115,2 граммдан 143,8 граммгача ўзгарди. Оддий дурагайларда ажралиш жараёни кенг миқдорда кўзатилган бўлсада, бироқ улар вариацион қаторининг чап томонида кузатилди. Оддий дурагай оилалардан аксарияти илдиз вазни бўйича вариацион қаторнинг чап томонига йиғилди. Оддий  $F_3$  оилаларидан энг кенг ажралиш жараёни  $F_3$  (Ак-12/95 х КК-1),  $F_3$  (С-НС-Н-2011г. х КК-1) ва  $F_3$  (Сор Голлипс х КК-1) кузатилди. Лекин шуни такидлаш керакки, селекция учун илдиз вазни белгиси бўйича вариация қаторнинг унғ томони этиборга мувофиқдир.

$F_3$  кунгабоқар сермахсул оилаларнинг мураккаб дурагайлаш асосида кескин кўп танлаб олишга мувофиқ бўлди ва юқори маҳсулдорлик оилалар танлаб олишга асос бўлди. Улардан энг самарали мураккаб дурагай оилаладан  $F_3$  [ $F_1$ (С-НС-Н-2011г. х КК-1) х ( $F_1$  (С-Альстор х КК-1))],  $F_3$  [ $F_1$ (Сор Голлипс х КК-1) х ( $F_1$  (Тельс х КК-1))] ва оддий дурагай оилалар ичидан  $F_3$  (Сор Голлипс х КК-1),  $F_3$  (Тельс х КК-1) дурагай комбинациялар ажралиб чиқди ва уларнинг орасидан аксарият оилалар 115 граммдан юқори маҳсулдорликни намоиш этишди. Шундай қилиб мураккаб дурагайлаш асосида яратилган оилалардан трансгрессив оилаларни пайдо бўлишига асос бўлади. Мураккаб дурагайларда ажралиш жараёни 10 синфда кузатилди яъни мойдорлик миқдори 46 фойиздан 54 фойизгача. Энг юқори бўлган мойдорлик белгиси бўйича ўсимликлар 48-54 фойизни ташкил қилди

ва уларнинг ўнг томонида жойлашган  $F_3 [F_1(\text{Сор Голлипс х КК-1}) \times (F_1 (\text{Тельс х КК-1}))]$ ,  $F_3 [F_1(\text{Jant lower х КК-1}) \times (F_1 (\text{Ак-12/95 х КК-1}))]$  ва  $F_3 [F_1(\text{С-НС-Н-2011г. х КК-1}) \times (F_1 (\text{С-Альстор х КК-1}))]$ . Умуман бундай  $F_3$  кунгабоқар дурагай оилаларнинг мойдорлик белгиси бўйича ўта паст кўрсаткич оддий дурагай оиласидан  $F_3 (\text{С-НС-Н-2011г. х КК-1})$  кам учрайди ва фақатгина мураккаб дурагайлаш орқали бундай ҳолатга келган. Оддий 2 та дурагайларда атиги 9 та ўсимликлар сермойлик бўлиб чиқди. Шундай қилиб мураккаб дурагайлаш ўзининг юқори гетерозиготалик орқали трансгрессив ўсимликларини пайдо бўлишига асос бўлади.

Кунгабоқар дурагайларнинг айрим белгилар орасидаги корреляцион боғликлари илдиз вазни билан маҳсулдорлик ўсимликлар бўйи барглари сатҳи, саватчалар диаметри ва уруғларнинг мойдорлиги билан барглари сатҳи ва саватчалар диаметри орасидаги корреляцион таҳлилнинг натижалари намойиш этилган. Илдиз вазни билан маҳсулдорлик белгилар орасида умуман ижобий ҳақиқий боғлиқликлар мавжудлиги аниқланди. Корреляция коэффиценти 0,52 дан 0,71 гача ўзгариб турди, бу эса ушбу белгиларнинг бошқарадиган генларнинг яқин бўлганлиги туғрисида маълумот беради. Энг юқори ижобий корреляция С Альстор ва С-НС-Н-2011г намуналарнинг дурагайларида кузатилди ва корреляция коэффиценти 0,53-0,72 ни ташкил этди. Юқори ижобий корреляция  $F_3 [F_1(\text{Jant lower х КК-1}) \times (F_1 (\text{Ак-12/95 х КК-1}))]$ ,  $F_3 [F_1(\text{С-НС-Н-2011г. х КК-1}) \times (F_1 (\text{С-Альстор х КК-1}))]$ ,  $F_3 (\text{Тельс х КК-1})$  ва  $F_3 (\text{Jant lower х КК-1})$  дурагайларда кузатилди. Ушбу дурагайларда корреляция коэффиценти 0,66 дан юқори бўлди. Илдиз вазни ўсимликлар бўйи белгиси билан ҳам юқори ижобий коррелятив боғланган эди, яъни корреляция коэффиценти 0,4 дан 0,8 гача бўлганлиги аниқланди. Демак кунгабоқар ўсимлигида сув танқислик шароитида илдиз вазни ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишга катта таъсир этади. Чунки ривожланган илдиз тизими озика элементлар ва сувни катта ҳажмда адсорбция қилинади ва ўсимликнинг ривожланишига бевосита таъсир этади.

2014 йили кичик нав синаш шахобчасида (станцион) 9 та тизмалар ўрганилди. Андоза нав сифатида Қорақалпоғистонда Давлат реестрига киритилган КК-1 нави ишлатилди. Қўйидаги белгилар ўрганилди: вегетация даври, ҳосилдорлик, саватчалар маҳсулдори, мағиз чиқими ва 1000 дона уруғ вазни. Вегетация даври бўйича энг тезпишар тизмалар Л-24, Л-34, Л-43 ва Л-32 лар ажралиб чиқди. Янги яратилган серҳосил тизмалар мағиз чиқими бўйича турли кўрсаткичларга эга бўлди. Улардан энг юқори кўрсаткич Л-28, Л-32, ва Л-65 тизмаларда кўриш мумкин. Қолган барча тизмалар ушбу белги бўйича андоза навидан устунлик кўрсатишмади. 1000 дона уруғ вазни бўйича аниқланган таҳлилдан сўнг шу маълум бўлдики, барча яратилган янги тизмалар уруғлари андоза навга нисбатан сезиларли устунлик намойиш этишди. Андоза навнинг 1000 дона уруғи вазни 66,4 грамм бўлса, янги тизмаларда бу кўрсаткич 70-72 граммни ташкил этди. Шундай қилиб конкурс нав синаш шахобчасига Л-32, Л-34, Л-67, Л-28 ва Л-65 тизмалар ажратиб олинди. Катта нав синаш

кўчатзори (конкурс) маълумотлари бўйича 2015 йилда 5 та тизма нав сифатида катта нав синовида ўрганилди. Тезпишарлик бўйича барча янги навлар 1-3 кунга эрта пишди, лекин ҳосилдорлиги андоза навидан анча юқори 127,3 фойиз бўлди. Энг юқори ҳосилдорлик КК-52 навида кўрсатилди ушбу навнинг бошқа белгилари ҳам андоза КК-1 дан яққол устунлиги намойиш этишди: саватча маҳсулдорлиги бўйича 13 граммга мағиз чиқими бўйича 17 фойизга, 1000 дона уруғ вазни бўйича 7,3 граммга устунлиги маълум бўлди. Бундек кўрсаткичлар бошқа тизмаларда учрамади ва КК-52 навини 2016 йилда ҳам синаш мўлжалланган.

1-жадвал.

### Конкурс нав синови кўчатзори маълумотлари 2015 йил

Навлар	Вегетация даври (кун)	Кунгабоқар ҳосилдорлиги 25.08 (ц/га)	Стандартдан фарқи (%)	Бир дона саватчадаги уруғ вазни (грам)	Мағиз чиқими (%)	1000 дона уруғ вазни (гр)	Стандартдан фарқи (%)
<b>КК-28</b> (Л-32)	74,5	30,6	120,9	62,2	76,6	70,2	125,9
<b>КК-32</b> (Л-34)	74,5	29,4	116,2	60,5	61,9	65,9	101,8
<b>КК-52</b> (Л-67)	74,7	32,2	127,3	63,9	77,9	72,3	128,1
<b>КК-43</b> (Л-28)	75,0	24,7	97,6	61,1	75,3	70,5	123,8
<b>КК-34</b> (Л-65)	75,0	28,9	114,2	60,7	62,7	68,7	103,1
<b>St. КК-1</b>	76,2	25,3		50,9	60,8	65,6	

НСР<sub>0,5</sub>

2,1 ц/га

6,1 г.

Ушбу янги яратилган кунгабоқарнинг навлар ва селекцион ашёлар таснифи диссертацияда келтирилган.

Янги истиқболли КК-60 кунгабоқар навининг бирламчи уруғчилик ишлари тахлилининг натижалари бўйича биринчи йилги оилаларни синаш кўчатзорининг оилалари бўйича 153 дона оилавий теримларнинг 67,7 кг уруғ массасидан 64 дона оилавий йиғим, 28,2 кг уруғ массаси яроқсизга чиқарилди. Яъни 89 дона оилавий йиғилганлардан 39,5 кг уруғ массаси экиш учун танлаб олинди. Шундай қилиб дала ва лаборатория шароитларида яроқсизга чиқариш ҳисобига экилган 310 дона якка танловлардан 220 донаси яроқсизга чиқарилди ёки 70,9 %. Дала шароитида яроқсизга чиқарилганларнинг улуши 50,6 %, лаборатория шароитидагига 20,3 % оилалар туғри келди. Дала ва лаборатория шароитларидан яроқсизга чиқариш натижасида уруғ кўпайтириш кўчатзоридаги 40 та оиладан 22 та оила яроқсизга чиқарилган. Шундан 2016 йил экиш учун 18 та оила уруғ кўпайтириш кўчатзорига танлаб олинди.

Диссертациянинг «Ѓўза ўсимлиги бўйича селекцияси жараёнидаги тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида турли суғориш схемасида *G.hirsutum L.* турига мансуб янги дурагай комбинациялар ва навларда, оддий ва мураккаб дурагайларда морфофизиологик белгиларнинг ўзгарувчанлиги ва ирсийланишининг бардошлиликдаги аҳамияти баён қилинган.

Ѓўза навлари ва  $F_1$ - $F_2$ - $F_3$  дурагай ўсимликлари баргларидаги умумий сув миқдорини аниқлаш бўйича, ўсимликлар етарли миқдорда сув билан таъминланганда улар танасида кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнлар фаоллашади. Оптимал сув режимига нисбатан тупроқда сув танқислиги шароитида ғўза ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдори навларда 1,8-5,7 %, иккинчи дурагайларнинг ота-она сифатидаги қўлланилган навларида 1,2-5,2 % ва  $F_3$  дурагай оилаларнинг таққосланган навларида эса 0,5-4,5 % оралиғида бўлди. Оддий дурагайлар ичидан биринчи авлоддаги дурагай комбинацияларида 1,2-5,2 % ни, иккинчи авлодда 1,8-5,1 % ни ва учинчи авлод оилалари эса 1,2-2,7 % ни ташкил қилди. Мураккаб дурагайлар ичидан ўрганилган ҳолатда эса биринчи авлодда 0,9-3,8 % ни,  $F_2$  да 1,4-1,8 % ни ва  $F_3$  оилаларида эса 1,4-2,9 % гача камайди. Бу ҳолат ўсимликлар баргларидаги умумий сув миқдори сув билан таъминланганлик шароитлари билан бир қаторда генотипик таркибга ҳам боғлиқ бўлишини кўрсатади. Олинган натижалар турли сув режими шароитларида ушбу белгининг оддий ва мураккаб  $F_1$ ,  $F_2$ , ва  $F_3$  дурагайларида турлича ирсийланишини, бунда доминантлик коэффициенти ( $h_p$ ) сув билан таъминланганлик шароитлари билан бир қаторда дурагайларнинг ота-она шакллари таркибига боғлиқ равишда ўзгаришини намоён этди. Фикримизча, баргларнинг сув ушлаш хусусияти сув бўғланиши жадаллигининг тўқима ёки орган даражасидаги хужайралараро сув алмашинувининг кўрсаткичи сифатида қаралиши мумкин, у хужайрада сувни сақлашга боғлиқ бўлган барча омилларнинг умумий фаолияти натижасида намоён бўлади ҳамда унинг катталиги қурғоқчиликка чидамлилигини тавсифлаш учун қўлланиши мумкин.

